



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 30 июл, сешанба № 121 (1338)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАХСУЛОТ ЧЕТГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

Тахиятош шахрида жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 25 та кичик ва ўрта корхона рўйхатга олинди. Уларга тижорат банклари томонидан 411 миллион 397 минг сўм кредит берилди.

Бундай имкониятдан самарали фойдаланган кичик корхоналар харидордир маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Тадбиркор Рустан Сарсеновнинг «Рамир» кичик корхонаси шулар жумласидан. Бу ерда кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш йўлга қўйилди.

Хозирда бу ерда кунига 15-20 тонна кишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуритилиб, сифатли маҳсулот тайёрланмоқда. Корхонада 20 киши иш билан ташминланган.

- Маҳсулотимизга кўпроқ россияликлар харидор бўлишаётди, - дейди корхона раҳбари Р.Сарсенов. - Бизда сероб бўлган маҳсулотлар - қуритилган сабзи, пивёз, шунингдек, олмақоқига талаб катта. Шу кунгача четга 200 тоннадан ортиқ маҳсулот жўнатдик. (ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ – ЎЗARO СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЯПОНИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 июл кuni расмий ташриф билан Японияга жўнаб кетди.

Давлатимиз раҳбарининг Японияга бу галги сафари икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқалар тобора кенгайиб, ўзаро ишонч мустаҳкамлашга бораётган бир даврда амалга ошмоқда. Президентимизнинг сафар олдида Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюси ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги юксалиб бораётган ушбу алоқаларга бағишланди.

Япония ҳақида гап кетганда, нафақат Осиёда, балки жаҳондаги иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий ва сиёсий жиҳатдан катта салоҳиятга эга, энг илғор тараққиётни бошдан кечираётган мамлакатни тасаввур қиламиз, - деди жумладан, давлатимиз раҳбари. Бундай давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш миллий манфаатларимизга жуда мос келади.


Ўз навбатида, Япония ҳам, Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга интилаётган АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия каби жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан биридир.

Бу галги ташрифдан кўзланган мақсадимиз мавжуд алоқаларимизнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашдир. Сафар чоғида икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган ўндан ортиқ ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Шу-

лардан энг муҳими, албатта, Ўзбекистон ва Япония ўртасида стратегик шериклик алоқаларига доир қўшма баёнотдир. Эътибор берсак, биз жорий йилнинг март ойида АҚШга ташриф буюриб, ушбу давлат билан ҳам стратегик шериклик ҳақида ҳужжат имзолаган эдик. Бу шартнома бугунги кунда ўзининг кенг имкониятларини намоён этаётди. Дунёдаги энг салоҳиятли давлатларнинг яна бири - Япония билан шундай стратегик шериклик алоқаларини йўлга қўйиш давлатимизнинг юрифтаётган ташқи сиёсатидаги энг катта ютуқлардан бўлади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизнинг обрўсини янада юксакка кўтаришига шубҳа йўқ.

Япония бош вазири билан имзоланиши кўзда тутилган иккинчи муҳим ҳужжат бу иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ва мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга кўмак беришдир. Бу ҳам жуда катта масала. Чунки, бу борада Япония ҳозир ҳам Ўзбекистонга жуда катта ёрдам бериб келмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик лоийҳаларда Япониянинг иштироки салмоқли бўлаётди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, нафақат, давлатлар, ҳукуматлар ёки иқтисодий тузилмаларро, балки халқларимиз ўртасида алоқалар ҳам тобора кенгайиб бораётганини таъкидламоқ жоиз. Масалан, яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган



япониялик бир гуруҳ сайёҳлар юртимизда оёсий топган юртдошларининг қабрини зиёрат қилиши уларнинг ҳам табиати ўзбекларникига жуда яқин эканини кўрсатди. Бу японияликларнинг Ўзбекистон фуқаролари билан алоқаларни яхшилашга интилаётганига яна бир далилдир. Ишонаманки, бундай алоқалар ўзининг ижобий самарасини беравереди.

Яна бир гап: Япониянинг Марказий Осиё минтақасига қизиқиши катта. Шу йил Афғонистондаги моҳирлар тугатилиб, унга иқтисодий ёрдам беришга бағишланган нуфузли халқаро кенгашининг айлани Токиода ўтказилгани ҳам ушбу фикрнинг тасдиғидир. (ЎЗА)

Токио, 29 июл. ЎЗА махсус мухбири Анвар Боев хабар қилади. Япония ҳукуматининг таклифига биноан Токиога расмий ташриф билан келган Президент Ислам Каримов бугун Бош вазир Жунъитиро Коидзуми билан учрашди. Сухбат чоғида икки томонлама муносабатлар, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги тикланиш, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш борасида фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ислам Каримов ва Жунъитиро Коидзуми икки мамлакат ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ниятини билдиради. Ўзбекистон томони Япония юрифтаётган «Ипак йўли минтақаси дипломатияси» сиёсатини юқори баҳолаган эса, Япония ҳам манфаатдорлиги таъкидлаб, Япония томонидан Ўзбе-

Осиёдаги муҳим ҳамкор деб билишини, халқаро террорчиликка қарши курашдаги сайъ-ҳаракатларини гоят қадрлаш ва мамлакатимизнинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги қадамларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлаган. Ҳужжатда икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология ва таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантириш белгиланган. Шунингдек, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан Ўзбекистон ҳам, Япония ҳам манфаатдорлиги таъкидлаб, Япония томонидан Ўзбе-

кистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш ташаббуси қўллаб-қувватлашини айтиб ўтилган.

Иккинчи ҳужжатда эса энергетика соҳасидаги ҳамкорликдан ўзаро манфаатдорлик эътирофи, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан чекланиш ва ҳаво алоқаси борасидаги ҳуқуқий асосни мустаҳкамлашга келишиб олингани таъкидланган. Айти пайтда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Мицубиси», «Мицуи», «Марубени», «Нише Иваи» корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Bank of Tokyo Mitsubishi» ўртасида имтиёзли кредит, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ва бошқа сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Япония ўртасида имзоланган ҳужжатлар ўн тўрттага кўпайди.

ЎЗА мухбирларига маълум қилишларича, Япония Бош вазирининг қароргоҳида давлатларо ҳужжат имзоланиши жуда ноёб воқеа. Ислам Каримовнинг ташрифи чоғида бундай йўл тутилгани Япониянинг мамлакатимизга

нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир.

Президент Ислам Каримов Япония императори Акихито билан учрашди. Бу учрашувда ҳам томонларнинг ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлиги таъкидланди. Япония императори сиёсий ишларга аралашмасда, мамлакат халқининг фахри ҳисоблангани боис катта нуфуз ва обрўга эга. Бу шахсонинг Ўзбекистон раҳбарига гоят илиқ муносабат билдириши - музокарадаги очкилик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқ ўзи эътиром этадиган, фахрланадиган кишининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислам Каримов ўзи жойлашган «Империал» меҳмонхонасида Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагучи хоним, молия вазири Масажуро Шиокава, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Такао Каваками, Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBCI) президенти Кёсуки Шинозавани қабул қилди. Учрашувларда Ўзбекистон-Япония муносабатларини ривожлантиришга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Ислам Каримовнинг Японияга ташрифи давом этмоқда. (ЎЗА)

Масала кўндаланг қўйилади

ри қатъий туриб ҳимоя қилаётган жойларда муаммолар ўз ечимини топмоқда. Жумладан, «Асакатекстил» акциядорлик жамияти, Асака ип йиғирув ва тўқув акциядорлик жамиятида ишловчилардан қарздорлик деярли барҳам топди.

ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗ ТАРАҚҚИЁТГА ТЎГАНОҚ

қарздорлик ўрганилганида 22,9 миллион сўмлик маош ходимларга берилмаганлиги аён бўлди. Таҳлил шуни кўрсатдики, баъзи жойларда эски касал давом этмоқда. Мутаассадди раҳбару мутахассислар муаммоларни вақтида ҳал этиб, иқтисодийни юксалтириш омилидан унумли фойдаланиш ўрнига турли вож-қарсанларни рўқча қилишмоқда. Ваҳоланки қайд этилган корхонада кўрсатилган хизматлар учун дебитор ҳақларини ундириш таъминланмаётди. Шундай бўлган... Буларнинг ҳаммаси ҳақли равишда ўринли эътирозларга сабаб бўлаётди.

«Хўжабод» технологик-транспорт» акциядорлик жамиятида иши-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш кўп ўринларда қозғоғда бўлмоқда. Омилкорлик билан иш юрота билмаслик, зарур бўлганда қатъийликнинг етишмаслиги, уқувсизлик, ишнинг орқага кетишига сабабчи бўлмоқда. Натيجида акциядорлик жамиятида 198 миллион сўмлик дебитор,

огоҳлантиришларини назар-писанд қилмаётдилар. Кўп ўринларда пуч ваздалар билан кутулиб қолишга уринишмоқда. Прокуратура аралашувидан сўнг бу ердаги тартибсизликларга барҳам берилди.

Иш ҳақини товарлар билан натура шаклида тўлашга йўл қўймаслик бот-бот ўқтириб келинаётган бўлса-да, кимлардир ўзини биллиб билмаганга олапти. Избоскан туманидаги «Пилла» давлат корхонасида 2001 йилда ҳамда жорий йилнинг биринчи чорагида 5 миллион сўмдан зиёд озик-овқат маҳсулотлари жамоага ойлик маош тарикасида тарқатиб берилган. Шунда ҳам иш ҳақидан қарздорлик 4 миллион сўмини ташкил этади. Тегишли идоралар масалани кўндаланг қўйганидан сўнг айбдорлар жавобгарликка тортилиб, дастлаб 900 минг сўмлик иш ҳақи ходимларга қайтарилди.

Касаба уюшмалари тегишли идоралар билан алоқани мустаҳкамлаётган, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатла-

ри қатъий туриб ҳимоя қилаётган жойларда муаммолар ўз ечимини топмоқда. Жумладан, «Асакатекстил» акциядорлик жамияти, Асака ип йиғирув ва тўқув акциядорлик жамиятида ишловчилардан қарздорлик деярли барҳам топди.

қилиш жараёни гоятда суст бормоқда. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланди.

Анджон вилоят прокуратураси ходимлари вилоят касаба уюшмалари билан ҳамкорликда меҳнаткашларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эътиборни қўйибди. Жойларда савол-жавоб кечалари, очик эшиклар кунини ўтказилмоқда. Хўжабод, Балқич, Олтинкўл туманларида, молия ходимлари тайёрайдиган касб-хунар коллежиди, автокорхоналарда ўтказилган жонли мулоқотларнинг фойдаси катта бўлди. Биз Ўзбекистон Конституциясининг ҳаётимиздаги ўрни ва моҳияти, иш беришчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солуви мезъорий ҳужжатлар, жамоа шартномаларининг аҳамияти, касаба уюшмаларининг нуфузини ҳаётини мисоллар орқали лўнда тушунтириб бермоқдамиз. Лекин булар доимий равишда, изчил амалга ошириладиган вазифалардир. Одамлар орасида илҳом бориша кўпроқ бўлиши, уларнинг қувончу ташвиши билан яшаш, ўринли тақлифларини инobatга олиш фаолиятимизнинг мезонига айланмоқда.

Т.ХОЛМИРЗАЕВ,
Анджон вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими мудири.
И.НИЗОМОВ,
вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими катта прокурори.

ЯПОН БОҒИДАГИ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ

27 июл - давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Японияга расмий ташрифи бошланиши арафасида мамлакатимизда Япония маданияти кунини очилди. Шу муносабат билан Тошкентдаги япон боғида бўлиб ўтган маданий тадбирлар орасида японча чойхўрлик маросимининг намойиш этилгани айниқса диққатга sazovorдир. Бокка йиғилган меҳмонлар ўзининг жуда нафис ва сир-синоатга тўлаллиги билан жаҳон ахлини ром этган ушбу маросимдан баҳра олиш имкониятига эга бўлди.

Кунчиқар мамлакатдан ташриф буюрган санъаткорлар ҳам ўз маҳоратини намойиш қилди. «Сейжо бэнд» оркестри ҳамда «Асука» Япония рақс академияси вакилларининг чиқишлари ўз жозибаси ва миллий руҳи билан томошабинларнинг самимий олқишларига sazovor бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Япония-Ўзбекистон иқтисодий ва маданий ҳамкорлик уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирларда Ўзбекистон ҳукумати аъзолари ҳамда Япония жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Маросимларда Япония-Ўзбекистон иқтисодий ва маданий ҳамкорлик уюшмасининг фахрий президенти Хироаки Окимуцу иштирок этди. (ЎЗА)

Жалолқудук туманидаги «Кишлоқхўжалиқимё» корхонасида ойлик маошлар вақтида тўланмаётганлиги, ўз-ўзларичилик илдиз отанлиги, пировард натижада жамоанинг кўнгли совув, иш тобора орқага кетаётганлиги хусусида катор идораларга хатлар кела бошлади. Туман прокуратураси, касаба уюшмалари, солиқчилар ҳамда ҳуқуқшунос билан ҳамжихатликда иш юритиб, меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига алоҳида эътибор қаратди.

Маълум бўлишича, боқимандлик кайфиятига берилиш оқибатида жорий йилнинг биринчи июн кунига қадар 98 нафар ишчига 1 миллион сўм маош тўланмаганлиги, боз устига ходимлар қўшимча имтиёزلардан маҳрум этилганлиги аниқланди. Ажаблანарлиси шуки, касабақўш иш ҳақини вақтида тўлаш юзасидан жамоа шартномасида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини иш бериувчидан қатъий талаб қилишган. Камчиликларнинг сабабларини бартараф этиш, тадбирлар белгиланган, тегишли идораларга баённома билан чиқиш ўрнига муросасозлик йўлини тутган.

Биргаликдаги сайъ-ҳаракатлар туфайли камчиликлар барҳам топа бошлади. Иш ҳақини кечиктириб, одамларни сарсон қилган корхона бошлиғи А.Умаров, бош ҳисобчи А.Бобораҳимов маъмурий жавобгарликка тортилди.

Анджон вилояти касаба уюшмалари вилоят прокуратураси билан биргаликда иш ҳақи вақтида тўланишига қаратилган тадбирларни изчил амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. «Анджонгазпармалаш» очик турдаги ҳиссодорлик жамиятида сайёр гуруҳ томонидан мuddати ўтказилиб юборилган иш ҳақидан

НОДАВЛАТ СЕКТОР ХОДИМЛАРИ

Касаба уюшмаларининг бош вазифаси аъзоларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳаракат бирлигини амалга оширишдан иборатдир.

Нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳисобланган касаба уюшмалари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролар кодекси, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида»-ги Қонулар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширадидлар.

Ўштаракликни таъминлаш, аъзолар фаолиятини оширишда Хоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг фаолияти анча жонланди. Кенгашда тармоқ кўмиталари, бошланғич ташкилотлар ва гуруҳлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Фаоллар ўқуви, назарий ва амалий семинарлар мунтазам ўтказиб борилаёти. Мехнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари бўйича тузилган ўзaro келишувлар, жамоа шартномалари ва битимларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинган.

Кенгаш ва раёсатларда бошланғич ташкилотлар фаолиятини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим масалалар кўриб чиқилган. Вилоятда зарар билан ишлайётган корхона, ташкилотлар, нодавлат секторидан маънавий-ахлоқий қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини амалга ошириш соҳасидаги тадбирлар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларининг бажарилиши, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, меҳнаткашларнинг моддий, маънавий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, хизматлар сифатини яхшилаш каби масалалар шулар жумласидандир.



Раёсат йиғилишларида нодавлат сектори ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ва меҳнат муҳофазаси бўйича Боғот туманида олиб борилган ишлар кенг муҳофаза этилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди. Ходимлар ва улар оила-аъзоларини соғломлаштириш соҳасида таълим ва фан ходимлари вилоят кўмитасининг ҳисоботи эшитилди. Автотранспорт ва йўл ҳўжалиги, алоқа, қурилиш машина-созлик саноати ходимлари касаба уюшма ташкилотларида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда «Хоразм ипаги», «Урганчсўт», «Боготтест» хиссадорлик, Урганч туман матбуот жамиятлари, Хива туманидаги «Жанамик» ишлаб чиқариш ва тиҳорат хусусий корхоналаридаги аҳвол чуқур таҳлил этилди.

— Асосий эътибор аҳолининг турли табақаларига ёрдам кўрсатиш, меҳнат шартнолари ва муҳофазаси, ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, соғломлаштириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган, - дейди касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Озод Отажонов.

Хозирги кунда вилоятда 1914 та бошланғич ташкилот бор. Шундан 1860 таси корхона, ташкилот ва муассасаларда, 54 таси олий, ўрта махсус ўқув юртиларида жойлашган. Кўмита раисларидан 179 таси маош олиб ишлайди.

Касаба уюшма аъзолари сони 367309 нафардан ошиб кетди. Жамоа келишувлари ва шартномаларини бажариш, уюшма аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашга асосан, таълим ва фан, ёқилги-энергетика ходимлари касаба уюшмалари вилоят, Гурлан, Хонқа, Шовот туман касаба уюшмалари кўмиталарининг амалга ошираётган ишлари ибратлидир.

Кенгаш ва раёсатнинг галдаги йиғилишларида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилишнинг асоси бўлган жамоа шартномаларини, келишув ва битимларнинг бажарилиши, ижтимоий суғурта маблағларини ва уларнинг ундирилиши, Ҳазорасп, Кўшкўпир, Янгибозор туманларида ижтимоий суғурта маблағларини сарфланиши каби масалалар ўрганилди. Ижрочилик интизоми, ёзма,

оғзаки аризаларни кўриб чиқиш, фуқароларнинг қабул қилиш анча яхшиланди. Боғот, Гурлан, Янгирик туманлари касаба уюшма ташкилотларига методик ёрдам кўрсатилди.

Кадрлар билими ва малакасини ошириш мақсадида фаоллар ўқувини уюштириш одат тусига кирган. Барча шахар ва туманларда ўтказилган ўқув-семинарларда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда касаба уюшмаларининг асосий вазифалари, ижтимоий шерикчилик, жамоа шартномалари ва келишувларининг мазмуни, тузилиши ва турлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, муҳофаза қилиш, меҳнат низоларини ҳал этиш, ижтимоий суғурта, молия, назорат тафтиш ва соғломлаштириш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт, ташкилий-оммавий ишларни олиб бориш тартиби ва бошқа масалалар юзасидан тушунтириш берилди.

Илғор тажрибалар омалаштириляпти. Урганч шахар касаба уюшмаларини мувофиқлаштириш кенгаши раиси Шариф Бойжонов ва агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси маслаҳатчиси Рашид Рўзметовларнинг «Жамоа шартномаси», «117 саволга жавоб» каби услубий қўлланмалари нашр этилди.

Бу йил аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга 3515090,0 минг сўм, 2 ёшгача болали ишламайдиган аёлларга 2911061,0 минг сўм, кам таъминланган оилаларга 357892,0 минг сўм, ўзгалар парваришига муҳтож яқна, Ногирон ва қарияларга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари учун 4576 минг сўм, таълим ва тиббиёт ходимларига электр энергия, газ, сув ва ёқилги имтиёзлари учун 726510,0 минг сўм харажат қилинади.

Белгиланган дастурга мувофиқ қарияларга бепул йўлланмалар, дори-дармонлар бериш йўлга қўйилди, транспортда текин юришлари таъминланди. Яқна-ёлғиз кексалар коммунал хизмат тўловларидан озод қилинди.

Вилоят корхона, ташкилот, ширкат ҳўжаликлари касаба уюшма ташкилотлари асосий эътиборни меҳнаткашлар фаровонлигини янада яхшилашга қаратмоқда.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири.



Қибрай туманидаги «Дунё» хусусий фирмаси кўп тармоқли бўлиб, бу ерда асосан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Кичик корхонада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Масалан, фирманинг тикув цехида ҳозирги замон талаблари даражасида кийим-кечаклар тикилиб, харидорларга етказиб берилмоқда. Буюртма асосида тикилаётган бу маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Суратларда: кичик корхона фаолиятдан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ
олган суратлар.

БАРЧА БИРДЕК КИРИШСА

Андижон вилояти йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. 4 гуруҳга бўлинган 129 нафар ҳудудда профилактика нозирлари, чегара қўшинлари ва бошқона хизмати вакиллари билан ҳамкорликда гўёхвандлик моддалари, моддий бойликларни ноқонуний йўллар билан олиб ўтилишига қарши доимий назоратни йўлга қўйишган. Яқинда Бўз тумани ҳудудидан бурчини ўтаётган милиция старшинаси Абдуғаффор Холмонов томонидан шубҳали машина текшириб кўрилганида, унда гўёхвандлик моддаси яширилганлиги аниқланди. Шу кунгача қўшни давлатларга ноқонуний йўллар билан чиқиб кетаётган 30 миллион сўмлик товар ушлаб қолинди.

сан, газета, телевидение ва радиода бир қатор кўрсатув, эшиттириш ҳамда мақолалар берилмоқдаки, бу ўз самарасини бермай қолмаётир. Айниқса, шахсий таркиб билан ишлаш ва жамоатчилик билан алоқа боғлаш хизмати гуруҳи бошлиғи, милиция майори Тоштемир Аҳмедов ташаббуси билан ёшлар ўртасида ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш мақсадида ён дафтарча ҳамда ўқувчиларнинг ёзув ва расм дафтарлари муқовасига йўл ҳаракати қоидаларидан кўчирмалар нашр эти-



лиши айтиш мумкин бўлди. Унинг бу саъй-ҳаракати соҳа мутасаддилари томонидан оқори баҳоланиб, фахрий ёрлик билан тақдирланди.

— Кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида республика ўқувчиларининг «Яшил чироқ» мусобақасида вилоятимиз ёшлари биринчи ўринни эгаллаштиди, — дейди Т.Аҳмедов. — Шунингдек, ходимларимиз касб ма-

Йўл қондаси - умр фойдаси

ҳорати бўйича ўтказилган республика миқёсидаги танловда ҳам биринчиликни қўлга киритишди.

Бошқарма ходимлари «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги», «Диққат, темир йўл кесиб-маси!», «Диққат, пиёда!», «Таътил» каби тадбирларда 116 мингдан ортиқ қоидабузар ҳайдовчини жаримга тортишди. Қўпол даражадаги қоида бузилишлар учун 405 нафар ҳайдовчи маълум муддатга транспорт воситасини бошқарши ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса, 23 минг пиёдага нисбатан ҳам тегишли чора кўрилди.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ йўллардаги туқнашулар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 фоиз, қисқарди. Замонавий алоқа воситалари билан деярли юз фоиз таъминлангани боис ўйрилган уловларнинг қарий барчаси топилиб, эгаларига қайтарилмоқда. Лекин шунга қарамай, Андижон шаҳри, Бўз ва Булоқбоши туманлари ИИБ ЙХХ ходимлари ҳамда сафарбар гуруҳ нозирлари ўз хизмат вазифаларига соғуноқлик билан қарашлари оқибатида мазкур ҳудудларда турли йўл ҳодисалари сони тобора ортиб бормоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қўлланилаётган чоратадбирларга қарамасдан пиёдалар томонидан содир этилаётган қоидабузарликлар, ҳайдовчиларнинг рулда ухлаб қолишлари ва қувиб ўтиш қондасини бузиш оқибатида содир этилаётган ноҳуш ҳолатлар оз эмас. Шу ўринда айтиш лозимки, бундай ҳодисаларнинг олдини олиш биринчи йўл нозирларининг эмас, балки барчанинг вазифасидир.

К.ШОКИРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Самарқандда вилоят ва шахар ҳокимлиги ташаббуси билан барча қулайликларга эга бўлган маҳаллалар маркази битказилиб фойдаланишга топширилди.

Бир неча йилдан буён фойдаланилмаган келинаётган собиқ маиший хизмат уйи биноси умумхалқ хашари ёрдамида қисқа муддатда ҳашаматли, янгича кўйфадаги бинога айланди. Нафақат Темирийўл туманида балки вилоятда ягона бўлган мазкур марказ қурилишига тумандаги маҳалла фаоллари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар ва ўқувчи ёшлар муносиб улуш қўшдилар. Ташқи ва ички кўринишлари ўзига хос меъморий услубга эга бўлган мазкур марказда «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари Темирийўл туман бўлиmlлари, байналмилалчи жангчилар уюшмаси, Қизил яримой, Соғлом авлод, Ногиронлар ва меҳр-шафқат жамғармалари, истемолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолият кўрсата бошладди.

Уларнинг барчаси янги идора жиҳозлари, телефон алоқаси билан таъминланди. «Маҳалла» жамғармасига шахар ҳокимлиги компьютер, нуронийларга эса вилоят ҳокимлиги томонидан «Дамас» русумли автомашина совға қилинди. Тумандаги 77 та маҳалланинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи мазкур марказда тўй-маърака ўтказиладиган 300 ўринли тамаддиҳона, маънавий ва маърифат маркази ҳамда аёллар гўзаллик саломи, шунингдек, кийимларни кимёвий усулда тозалаш цехи иш бошлади. Барча қулайликларга эга бўлган маҳаллалар марказини вилоятнинг бошқа туманларида ҳам очиш кўзда тутилмоқда.

«Туркистон-пресс»

Ходимларга меҳнат кунунларида белгилангандек, вақтида таътил бериш, уларни соғломлаштириш имкониятларини топиш иш берувчининг зиммасида. Аммо бу масалалар айрим ҳолларда эътибордан четда қолаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Жомбой туман халқ таълими бўлими тасаруфидига муассасаларда 3672 киши меҳнат қилади. Улар ёш авлод камолоти йўлида самарали меҳнат қилишмоқда. Лекин, афсуски дам олиш, соғломлаштириш ишлари кўнгилдагидек эмас. Масалан, маълумотларга қараганда 2001 йилда туман тармоқ ходимларига 17 та санаторий йўлланмалари берилган. 2002 йилнинг 6 ойида эса атиги 4 та санаторий йўлланмаси ажратилган. Яна 3 нафар ўқитувчи Тошкентда республика педагог ходимлар малакасини ошириш институти профессорийсида ҳордиқ чиқаришган. Тармоқдаги жами ходимларнинг, дейлик 30 фоизи санаторийларда дам олишни истаган тақдирда ҳам агар йўлланмалар ҳар йили-шу миқдорда ажратиладиган бўлса, қанча вақт нават куттишга тўғри келишини тасаввур этиш қийин эмас.

— Шароитни ҳисобга олган ҳолда имконият изляпмиз, - дейди туман тармоқ касаба уюшма кўмитаси раиси Л.Тоғаева. — Хусусан, ходим-

ми бош ҳисобчиси М.Икромов, бош иқтисодчи Б.Муртазоқулова мазкур масалага оид саволларимизни жавобсиз қолдиришни маъқул қуришди. Халқ таълими бўлими мутасаддилари таълим муассасалари қошида ташкил этиладиган спорт-соғломлаштириш гуруҳлари фаолияти, уларга ўқитувчиларни жалб этиш

ҳақида ҳам ҳеч нарса дейишолмади. Демак, бу борадаги ишлар ҳам ўлда-жўлда. Ҳолбуки, ушбу масалаларнинг ҳаммаси тармоқ битимида халқ таълими бўлимининг мажбуриятлари сифатида қайд этилган.

Яна бир гапни айтиш жоиз. Ходимларни соғломлаштириш улар саломатлигининг, аҳолининг аниқлашдан бошланади. Ҳар йили ўқитувчилар тиббий кўрикдан ўтказилишига қарамасдан, туман халқ таълими бўлимида касб касалликларига, сурункали касалликларга чалинган ходимлар ҳақида ҳеч бир маълумот мавжуд эмас. Шунинг ўзиёқ ишлар аҳволига

Ижтимоий ҳимоя қирралари

баҳо беришга асос бўла олади. Юртимизда бутун эътибор «Қарияларни кадрлаш йили» давлат дастурини бажаришга қаратилган бўлса-да, ушбу туман таълим тизимида ишлаётган пенсионер ўқитувчиларни, нафа-

битта мисол билан асослаймиш. Тумандаги 20-умумтаълим мактаби ўқитувчиларига директор З.Ҳожиметовнинг 2002 йил 20 июндаги буйруғи билан таътил берилган. Лекин, ходимлар расман таътилда бўлсалар-да, улар

амалда мактаб биносини таъмирлашда иштирок этишмоқда. Жамоа аъзоларининг 80 баъзан 90 фоизи ҳар кун ишга жалб этилмоқда. Қатор мактабларда ҳам аҳвол шундай. Кимдир буни ҳашар, хайрия тадбирлари сирасига киритиши мумкин. Лекин, ҳар нарсанинг чегараси бор. Ўқитувчиларни таътил вақтида таъмирлаш ишларига, ободончиликка жалб этавериш таълим сифатига таъсир қилмай қолмайди. Соғлом, кўнгилдагидек дам олган ходимгина жамоага қутилган даражада наф келтира олади.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Қоровулбозорда «Бу-хорожамоақурилиш» 2-очик акциядорлик жамияти, 339- ва 357-қурилиш-монтаж жамланмалари, шунингдек, бешта махсус фирма ҳамкорлигида 450 ўқувчига мўлжалланган саноат коллежи қуриб битказилмоқда.

Ушбу коллежда меҳнат, нефт ва газни замонавий асосларда қайта ишловчи, транспортни, шунингдек, қаллоқ ҳўжалиги техникалари ҳайдовчиси ва таъмирловчи мутахассислар ҳамда чеварлар тайёрланади. —Қурилиш билан боғлиқ барча муаммолар шу ерда ўтказиладиган етабл йиғилишида ечилмоқда, - деди «Бу-хоросуқурилиш» трести бошлиғи Маннон Маҳмудов «Туркистон-пресс» муҳбирига. —Қурилиш учун зарур бўлган ускуналар вақтида етказилиб турилибди. Қурувчилар мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигида юзлаб йигит-қизларимиз таълим оладиган билим масканини ишта туширишни мўлжаллашмоқда.

Жиззах вилоятида болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми асосан кўнгилли ўтмоқда. Бу йил 7600 бола оромгоҳларда бўлиши режалаштирилган. Шундан 4 минг нафари шаҳар ташқаридаги оромгоҳларда дам олдирилади. 19 та дам олиш маскани фаолияти эса учинчи босқичда ҳам кизгин кечмоқда.

Атрофи пурвикро тоғлар билан ўралган Ёмчи кишлоғида жойлашган «Коинот» оромгоҳида бўлганимизда, болаларнинг меҳр оғушида, она табиат кучида яйраб ҳордиқ чикаришаётганининг гувоҳи бўлдик. У Фориш туман ҳўжаликлари оталигида бўлиб, 100 ўринга мўлжалланган. Туман агроноат мажмуи ходимлари касабга уюшма кўмитаси раиси Лена Худойкуловани ҳам оромгоҳда учратдик. Сўхбатдошимизнинг таъкидлашича, туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари боис сўнги йил давомида эътиборсизлик туфайли бутунлай ёпилиб қолган мазкур оромгоҳ жорий мавсумда яна болажонлар қувноқ ва шодон қийқириқларига тўлди. Икки босқичда 210 нафар бола мириқиб ҳордиқ чикарди. Учинчи босқич ҳам муваффақиятли бошланди. Ҳар бир йўлланма нархи 24 минг 43 сўмга тўғри келаётган ҳолда зарур маблағ тумандаги ҳўжалик корхона, ташкилот, муассасалар томонидан тўлиқ тўланаётганлиги отаналарни хушнуд этаётди.

лиги мева-чева ва сабзавотларни бозордагидан анча арзон нархда етказиб бермоқда. Бош тарбиячи Р.Исмоилов ва унинг ҳамкасблари саъй-ҳаракати билан кўнгилчоар тadbирлар, қувноқ ўйинлар, табиат кўнида спорт тadbирлари ўтказишмоқда.

— Қизиқарли тadbирлар жуда кўп бўлса-да, китоб ўқишга ҳам вақт топамиз, - дейди 33-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Фотима Исмолова. -

Мана, ҳозиргина кутубхонадан В.Левшиннинг «Алжабрга саёҳат» номли китобини олдим. Дугона Лобар Бекжонова билан учинчи китобни ўқиб чиқяпмиз.

— Оромгоҳимизда козоқ миллатига мансуб болалар кўпчиликини ташкил этгани боис дўстлик, байналмилал руҳидаги тadbирларга алоҳида аҳамият берамиз, - дейди оромгоҳ бошлиғи Э.Тураев. - Шулардан бири - «Суратларда Ватан мадҳи»



Ўз-ўтмоқда соз

қарашли мазкур оромгоҳда «Уч авлод урғашуви» ўтказилаётган экан.

Оромгоҳда жўшқин ҳаёт қайнайди. Болаларнинг мириқиб ҳордиқ чикаришлари учун барча шароит муҳайё этилган. Айтишлари-ча, Мирзачўл туман ҳокимлиги оромгоҳ таъмири учун 5 миллион сўм, жиҳозларга 4 миллион сўм маблағ сарфлаб, кўнгилдагидек ишлашига бошқош бўлибди. Оромгоҳда икки босқичда 270 бола мириқиб дам олишди. Эндиликда 3-босқич ҳам иш бошлади. Хусусий тadbиркор Холбой Шовқиевнинг ҳиммати туфайли бу ерда ҳам болалар мириқиб ҳордиқ чикаришаётгани намойён бўлди. Мирзачўл туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасига

ДўСТЛИКНИ УЛУҒЛАБ



Болалар оромгоҳда ҳордиқ чикариш ва табиат билан яқинлашмоқда.

УРҒАНЧДАГИ «БОҒИ ЭРАМ»

«Боғи Эрам» оромгоҳи Урганч шаҳрининг энг хушманзара жойида, Амир Темур номидаги маданият ва истироҳат боғининг ён томонида жойлашган. Ҳар йилгидек ёз бошланиши билан оромгоҳ ёшларни ўз бағрига олди. Аини чоғда бу ерда газ узатиш тармоғи соҳасида ишлаётган кишиларнинг фарзандларидан дам олишмоқда.

Ибрат

«Урганчтрансгаз» шўба корхонаси оромгоҳни ёзги мавсумга тайёрлашга йил бошидан киришди. Қисқа давр ичида бу ерда 80 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Ошхона, ёзги кинотеатр биноси яшиллаб таъмирланиб, ўқувчилар яшайдиган, дам оладиган иккита корпус биноси янгитдан қурилди.

Оромгоҳда бош тарбиячи Мая Иброҳимовани ўқувчилар жуда ҳурмат қилишаркан. У бизни болалар билан ўтказиладиган кундалик машгулотлар дастури билан таништирди. Ундан экологияга, ёнғин хавфининг олдини олишга, сувга чўкканларга ёрдам беришга бағишланган махсус машгулотлар ўрин олган. Оромгоҳда спорт ва хореография ўйинлар, хўр ижрочилиги, ақлли қўллар тўғараклари ишлаб турибди.

— Бу ерда дам олувчиларнинг китоб ўқишлари учун барча шароитлар яратганмиз. Урганч шаҳар ва вилоят кутубхоналари билан шартнома тузганмиз. 200 нафар ўқувчининг ҳар бири китоб ўқишини ташкил қилганмиз. Бу хайрли ишни учинчи сменамиздаям давом қилдирмоқчимиз, - дейди бош тарбиячи.

Ҳақиқатан ҳам, «Урганчтрансгаз» шўба корхонаси оромгоҳда кейинги икки йил ичида яхши ишларни амалга оширган. Лойиҳа асосида бунёд қилинган боғда дам олишга мўлжалланган антиқа жойлар жуда кўп. 80 ўринга мўлжалланган бассейн, дам олувчилар ихтиёрида.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раёсат йиғилишида республикада фаолият кўрсатаётган оромгоҳлар иши таҳлил қилиниб, йўл кўйилган нуқсонларни бартараф этиш алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Хусусан, унда Қашқадарёдаги кўпгина оромгоҳларда «Маънавият ва маърифат» хоналари номигагина жиҳозланганлиги танқид қилинган. Биз ақиндан танишиш мақсадида Яккабў туманининг хушманзара худудида жойлашган «Ёшлик» оромгоҳида бўлдик. Эътироф этиш лозим: кўп ибратли ишларни кўрдик лекин, «Маънавият ва маърифат» хонасидан кўнглимиз тўлмади. Кутубхона номигагина ташкил этилган бўлиб, адабиётлар бир-бирига аралашиб кетган. Кундалик матбуот наشرлари кўздан кечирилганда 2002 йилнинг 5 июлидан сўнг бирорта ҳам газета олинмаганлиги маълум бўлди.

Шуниси ачинарлики, оромгоҳда дам оладиган болалар учун берилган йўлланмалар бўйича ҳам қарздорлик мавжуд экан.

— Оромгоҳда дам олдирилгани Деҳқонobod тумани ҳўжаликларида келган болалар учун ҳанузгача тўланиши лозим бўлган маблағлар ўтказилмаган, - дейди бош ҳисобчи Низомиддин Асадов. - Агар жорий йилнинг иккинчи босқичидаги қарзни ҳисобласак, ҳўжаликларнинг қарзи қарийб уч миллион сўмга етиб қолади.

Аҳат Азизқориев номли оромгоҳ эса «Шўртан» унитар корхонаси тасарруфида бўлиб, бу йилги мавсумда у ерда 450 нафар бола дам олдирилиши мўлжалланган. Оромгоҳ фаолияти билан танишиш мақсадида бу ерда бўлганимизда эрталаб соат 7.30 бўлишга қарамай, оромгоҳ раҳбари Йўлдош Жуманов ширин уйкуда экан.

— Одамнинг уйқусини қочириб,

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

тонг сахардан безовта қилиш шартми? — деди Йўлдош Жуманов бизни хушламайгина қаршилар экан. — Агар оромгоҳ ҳаёти билан танишмоқчи бўлсаларингиз, «Шўртан» унитар корхонаси раҳбари Олим Муродовдан махсус рухсатнома олиб келинглар.

Назаримда оромгоҳ бошлиғи шу йўл билан мавжуд камчиликларни биздан пинҳон тутмоқчи эди. Аммо, касални яширсанг, иситмаси ошкор этар, деганларидек, бош ҳисобчи Норбобо Холмуродовнинг гувоҳлик беришича, иккинчи босқичда ишлаб кетган тарбиячи-ю етакчиларга тўланиши лозим бўлган иш ҳақи ҳозиргача берилмаган. Оромгоҳда мавсум давомида 450 нафар бола дам олдирилиши режалаштирилган бўлса-да, ҳозиргача 79 нафар бола режадан ортқ жалб этилган. Бу эса болаларни кўнглидагидек дам олишлари ва салбий таъсир этмайди, деб ким қафолот бера олади. Ахир ҳамма нарса ҳисобли...

«Нихол» ёшлар оромгоҳи «Қашқадарёқурилиш» бошқармаси тасарруфида бўлиб, мавсум давомида 300 нафар бола дам олдирилиши



«Ишонч» фoш этади

ди. Бундай ачинарли ҳолга «Қашқадарёқурилиш» бошқармаси, касабга уюшмалари тармоқ кўмиталари мутасаддилари томошабин бўлиб туришибди.

«Саховат» оромгоҳида бўлганимизда эса бош етакчи Бўри Тураев Қамаш туманидаги «Наврўз» ва Гагарин номли ҳўжаликлардан шартнома асосида дам олдирилаётган болалар учун тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳозиргача оромгоҳ фондида келиб тушмаганлигини куйиниб сўзлади. Мазкур ҳўжаликлар оромгоҳдан икки миллион сўм қарздор эканлигини қандай изохлаш мумкин?

Албатта, биз таъкидлаб ўтган камчиликларни бартараф этса бўлади. Лекин, энг яхшиси, уларга мавсум бошидан йўл кўймаслик керак.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

ЧЕРНОБИЛ ҚАТНАШЧИСИГА ПЕНСИЯ БЎЙИЧА ИМТИЁЗ

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: Чернобил ҳалокати оқибатларини тугатишда қатнашган I гуруҳ ногиронига пенсия қандай ҳисоблаб чиқарилиши ҳусусида маълумот берсангиз.

ларда меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзосига энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорда белгиланади.

Н.ИБОДОВ,
Навбахор тумани.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг «Чернобил ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида»ги 1992 йил 6 апрелдаги 170-сонли қарори билан Чернобил ҳалокатидан зарар кўрган Ўзбекистон фуқароларига бериладиган ҳақ-хуқуқлар, пул компенсациялари ва имтиёзлар рўйхати тасдиқланган.

Чернобил ҳалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашиб, зарар кўрган шахсларга пенсия тайинлаш уч тоифага бўлинади.

1) хизмат сафарига юборилганлар;
2) муддатли хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар;
3) ҳарбий комиссариатлар орқали махсус йиғинларга қақирилган ҳарбий мажбуриятли шахслар.

Бу фуқароларга ногиронлик пенсияси ҳар иккала, яъни «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти» ҳамда «Ҳарбий хизматчиларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан белгилашни мумкин.

Энди юқорида айтиб ўтилган уч тоифа фуқароларига пенсия тайинлаш тўғрисида алоҳида-алоҳида тушунча бериб ўтаск.

1. Хизмат сафарига юборилганларга ногиронлик пенсияси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади;
2. Чернобил зонасида муддатли хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларга ногиронлик пенсия тайинлашда ўртача иш ҳақини ва пенсия миқдорини ҳисоблашда қуйидагиларга эътибор бериш керак:
а) ногиронлик пенсиясини (улар вафот этганда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини), 1990 йил 28 апрелдаги «Ҳарбий хизматчилар пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан уруш ногиронларига тенглаштирилган миқдорларда тайинланади;
б) Пенсия миқдори энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдориди;
в) боқувчисини йўқотган ҳолларда меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзосига 5917 сўм 50 тиин миқдорда белгиланади;
г) 25% ошириш ҳамда ҳарбий унвони учун оширилган фақат қатъий миқдорда тайинланган пенсияларга берилади;
д) 25% ошириш ҳамда ҳарбий унвони учун оширилган фақат қатъий миқдорда тайинланган пенсияларга берилади;
е) қарамондаги оила аъзоларига бериладиган қўшимчалар эса иш ҳақидан ҳисобланганлик ёки қатъий миқдорда тайинлангани, фақат ишламаслиқни талаб этади.

3. Чернобил фoжеаси оқибатларини бартараф этиш учун ҳарбий комиссариатлар орқали махсус йиғинларга қақирилган фуқаролар (уларнинг оилаларига) ногиронлик пенсияларига хошияга қўра хизмат сафарига юборилганлар сингари 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ёки 1990 йил 28 апрелдаги «Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан тайинлашни мумкин.

Бу тоифадаги фуқароларга пенсиясини энг кам миқдордаги иш ҳақининг беш баробаридан ҳисоблаш кўзда тутилмаган.



БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИМИЗ

даги хоҳлаган беш йилликдаги иш ҳақидан ҳисоблаш мумкин;
б) Чернобилдаги ёки хоҳлаган беш йилликдан ҳисобланган ўртача бир ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 7 қарраси билан чегараласдан инобатта олинди;
в) ногиронлик пенсиясини соғлиғига етказилган зарар (фоиз) миқдориди (боқувчисини йўқотганлик пенсия эса ҳар бир боқувчига 40 фоизда) тайинланади;
г) пенсия миқдори, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 январдаги 7-сонли қарорига мувофиқ ўрнатилган тартибда белгиланган энг юқори миқдорлари билан чегараланади. Улар қуйидагича:
I гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдориди;
II гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдориди;
III гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдориди;
боқувчисини йўқотган ҳол-

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тadbиркор жаноблар!

2002 йил 30 август ва 6,13,20,27 сентябр кунлари соат 11.00 да Республика биржалар маркази биносига ўтказиладиган аукцион савдоларига биринчи навбатда эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги объектлар кўйилади:

1. Жиззах вилояти, Фаллаорол туманида жойлашган 2-сонли контейнер типидagi автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (2-КАЗС).
2. Бошланғич баҳоси — 15 925 АҚШ доллари.
3. Жиззах шаҳри, Тўқимачилар кўчаси, 7-А манзилида жойлашган 3-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (3-АЗС)
4. Бошланғич баҳоси — 22 588 АҚШ доллари.
5. Самарқанд вилояти, Пастдарғон тумани, Чорхин шаҳарчасида жойлашган «Биомед» масъулияти чекланган жамияти Низом жамғармасининг 65 фоизлик давлат улуши.
6. Бошланғич баҳоси — 11 093 200 сўм.
7. Шунингдек, 2002 йил 14, 21 ва 28 август кунлари соат 11.30 да Республика Биржалар маркази биносига ўтказиладиган Танлов савдоларига қуйидаги объект қўйилади:
Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Ашрафий 1-тор кўчасида жойлашган, Тошкент шаҳар дон қабул қилиш ОАЖ балансидаги 9-сонли болалар боғчаси (қир ювчи хонаси ва ёзги ошхона биноси билан). Умумий майдони 459,3 кв.м.
8. Бошланғич баҳоси — 6 485 200 сўм.
9. Танлов савдосидан Болалар боғчасини сотиб олишнинг шартлари:
1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш;
3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш;
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасаси.
10. Республика Кўчмас Мулк Биржаси Аукцион ва Танлов Савдоларига таклиф этилади.
1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш;
3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш;
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасаси.

Танлов савдосидан Болалар боғчасини сотиб олишнинг шартлари:
1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш;
3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш;
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасаси.

Республика Кўчмас мулк биржаси савдоларига қўйилган Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида жойлашган «Оҳангарон» АЖ га қарашли умумий майдони 370 м² бўлган бино ва умумий майдони 144 м² бўлган шийпон 12100,0 минг сўмга, «Мерседес-Бенс-250» русумли, давлат рақами 10АС 53 62, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина 1800,0 минг сўмга, Миробод тумани, Афросиёб кўчасида жойлашган умумий майдони 1079 м² бўлган қурилиши тугалланмаган дўкон биноси ва ертўла 75000,0 минг сўмга, Яккасарой тумани, Муқимий 1- ўтар кўчаси 9-уйда жойлашган «Тиббиёт маркази» шихатгоҳи 256100,0 минг сўмга, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Байтўрғон қўрғонда жойлашган автомобилларни газ билан тўлдирши компрессор станцияси баҳоси 234174,9 АҚШ доллари бўлгани ҳолда 40 фоизи эркин муомаладаги валютага ва 60 фоизи Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича сўмга; Бухоро шаҳри, Газли шохобчасида жойлашган 2-сонли автомобилларни газ билан тўлдирши компрессор станцияси баҳоси 217032 АҚШ доллари бўлгани ҳолда 25 фоизи эркин муомаладаги валютага ва 75 фоизи Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича сўмга, БМВ-525 русумли, давлат рақами 10 P 00-72, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автомашина 2500,0 минг сўмга ўтган савдоларда сотилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлари


Бобо Машраб юрти қадимий Наманганда азал-азалдан юксак истеъдод соҳиблари яшайди. Мазкур кўрик-танловда бир йўла беш кишининг Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати, деб топилганлиги ҳам бунинг яна бир исботидир.

Бекобод кишлоғига йўлингиз тушганми? Янгиқўрган тумани марказидан ўтиб, Бакиқул кишлоғига етмасингиздан салгина бериди дуч келадиган

кўнглимдаги ҳис-туйғуларимни яққолроқ ифода-лашга кўпроқ имкон берди. Наманган давлат университети биносининг санъат факультети зали бўйлаб юрганнингизда, М.Шаҳодатов устахона-сига кира беришда буюқ шоир Алишер Навоийнинг улугвор бюстига кўзингиз тушади. — Бу асарни шоғирд-

МАЖНУНТОЛЛАР сой сувида кокилларин ювганда

кишлоққа кира беришингизда учрайдиган сой бир қарашингизда ювмошга кўринади. Бу об-ҳаёт ирмоғи асли Қирғизистондаги ва бир чети Қозғистон ҳамда олис Россияга туташиб кетувчи юксак тоғлардан бошланади. Баҳор ойларида лолалар гуркираб очилганда худди сой киргоғига кимдир гилам тўшаб кўйгандек бўлади. Борлиқ чечаклар билан қопланади. Мажнунтоллар сой сувида кокилларини юваётган келинчақлардек майин новдаларини солинтирадилар. Бу маҳалларда сой ўзанига сизга сиғмайди. Унинг кумушсимон суви тошдан-тошга бош уриб қайқадир шошади. Кишлоқдаги ўриклар бошини солинтирган келинчақлардек оппоқ гулларга бурканадилар. Бундай кўриниш ва гўзаллик кимни шоир қилмайди-ю расомга айлантмайди, дейсиз.



давлат педагогика институтининг бадиий графика факультетларини тамомлади. «Хаёт йўли бир хил эмас, нотекис...» деганларидек, бутун вақтни, ўй-хаёлларини, борлиғини севган соҳасига бағишлаш даврига етиб келганга қадар Миржалол умр деган мураккаб йўлнинг ўнқир-чўнқирлари билан бир қаторда замондошларимизни, биз билан ёнма-ён меҳнат қилаётган таълимчи кишиларнинг сиймоларини ҳам кўришингиз мумкин. Университетнинг маънавий хонасида нур таратиб турган «Илми нуҷум», «Соҳибқирон», «Боқий юлдузлар» номли мой бўёқда ишланган рангтаъсир асарлари бу ерга келиб-кетувчилар ва университетдаги устозлар ва талабалар таҳсинига сазовор бўлган.

Мамай кишлоғига ўрнатилган «Байналмидал жангчилар» ёдгорлиги монументи каби кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлган асарлар бор. Мустақиллик йиллари Миржалол учун улкан ижодий ютуқлар келтирди. Унинг қатор асарлари вилоят ва республика кўрғазмаларида муваффақият қозонди. Яқинда эса дўстлар, ёр-биродарлар яна бир хушхабардан қувонишди: Миржалол Шаҳодатов «Ўзбекистон - Ватаним меним» республика кўрик-танлови ғолиби, деб топилди. Шу тариқа «Ўзбекистон халқ таълими аълочилиси» (1991 йил), «Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим фидойиси» (2002 йил), «Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги» (2002 йил) фахрий нишонлари қаторига яна бир мукофот - «Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати» деган кўрак нишони ҳам қўшилди.

М.Шаҳодатовнинг режалари қатта. Келгусида халқ қаҳрамони Алпомиш образини ва «Конституция» деб номланган ҳайкалтарошлик композициясини яратиш иштиёқида жиддий изланишлар олиб бормоқда. Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, Қодиржон НОСИРОВ.

Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Шахрисабз шаҳри шу кунларда улкан қурилиш майдонини эслатади. Кўча ва хиёбонлар қайта таъмирланиб, катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.



— Вазирлар Маққамасининг «Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарори асосида ажратилган маблағлардан кенг қўлдан фойдаланилмоқда, - дейди «Интурист» меҳмонхона мажмуи директори Азамат Маннопов. — Таъмирлаш ниҳоясига етгач, 105 ўринли меҳмонхонада барча қулайликлар яратилади. «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг қарорига кўра, Самарқанддаги «ОРИЕНТ-ВОЯШ» туристик фирмаси ҳамда меҳмонхона мажмуаси ҳам-

корлигида жаҳон андозаларига мос равишда таъмирланиб, қайтадан чирой очмоқда. Автомашиналар учун махсус жойлар, бежирим йўлақлар, киши дилини завқлантирувчи анвоий гул-

лар билан безалган хиёбонлар, шубҳасиз меҳмонхона кўрғазми янада кўрк бағишлайди. НУРБЕК. Суратда: меҳмонхона мажмуи раҳбари Азамат Маннопов (чапдан би-

ринчи) курувчилар Кўйлибой Ашуров, Соҳиб Насимов, меҳмонхона туризм бўлими бошлиғи Холмурод Эшмуродовлар билан галдаги вазибалар хусусида суҳбатлашмоқда.

Ўй бекалари, сизлар учун!

1 та тухум, 1/4 стакан шакар, 80 гр. маргарин, 5 стакан сметана ёки қатик, 2 стакан ун ва 1 чойқошиқ истеъмол содаси.

ОЛМАЛИ ПИРОГ

Начинкасига: 1 кг олма, 30 гр. сариқ ёғ, 0,5 стакан шакар.

Элакдан ўтказилган унга сода, шакар, киргичдан чиқарилган маргарини, тухум ҳамда сметанани солиб юмшоқроқ хамир қорасиз ва уни иккига бўласиз. Хамирнинг бир қисмини 0,5 см қалинликда ёйиб листга қўясиз. Унинг устига олдиндан тайёрлаб қўйган олмали масаллигини бир текис қилиб соласиз. Хамирнинг иккинчи қисмини ҳам худди биринчиси каби ёйиб, унинг устини ёпасиз. Пирогни олдиндан қиздириб қўйилган духовкада ўртача оловда 20-25 дақиқа давомда пиширасиз. Тайёр ва совуған пирогни кесиб, устига қанд упаси сепасиз.

ДУРАГАЙДА ГАП КЎП

Бўстонлик тажриба даласида олма билан беҳи чатиштирилган эди. Бундан мақсад бўйи паст, сувсизликка чидамли, лалмикор ерларда ўстириш мумкин бўлган дурагай мева яратиш эди.

олинди ва ўша йили куздаёқ экилди. Келгуси йили баҳорда бу уруғларнинг иккитаси униб чиқди. Дурагай дарахтининг меваси йирик, қаттиқ, шакли думалоқ, ранги сарғиш, нордон-ширин, пўсти қалин, уруғи йирик.

Биласизми?

Тажриба шуни кўрсатдики, дурагай мевани узоқ вақт, ҳатто келгуси йили ҳосилга қадар ҳам бемалол сақлаш мумкин экан.

— Мустақиллигининг ўн бир йиллигига бағишлаб ўтказиладиган байрам кўрғазмига катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, - деди Бухоро вилояти илмий-услубий марказининг «Ситора» халқ студияси раҳбари Шавкат Болтаев «Туркистон-пресс» мухбирига.

БАЙРАМ КЎРГАЗМАСИ

Яқинда Бухорода ўтказилган «Универсиада-2002», шунингдек, кейинги йилларда шаҳар меъморчилигидаги ўзгаришлар таъсирланган фотосуратлар кўрғазми ҳам тайёрланмоқда. Қирғизистондан олинган хабарга кўра студия усталари томонидан яратилган асарларнинг ўнтаси ЮНИФЕМ электрон каталогига киритилди. Иккита фотосурат Алматида ўтказиладиган кўрғазмада намойиш этилмоқда. Ш. Болтаевнинг таъкидлашича, яқинда 12 давлатнинг 900дан ошиқ фотосуратлари намойиш этилган «Аёллар тинчлик, тенглик ва иқтисодий ҳимоя учун» деб номланган кўрғазмада ҳам халқ студияси усталари ўз асарлари билан иштирок этишди.

ГУЛЛАР ВИЛОЯТИ

Қорасув шаҳрида «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик!» шiori остида ўтказиладиган Санъат ва меҳнат фестивалининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги қарорига кўра, мазкур фестивал беш йилдан буён ўтказиб келинади. Уни ўтказишдан мақсад маҳалла, қишлоқ ва шаҳар ободлигини таъминлаш, гулзорлар барпо қилиш, кўкаламзорлаштириш, тозалик ишларини йўлга қўйишдан иборат. Навбатдаги фестивал дастурига бошқа тадбирлар ҳам қирилган бўлиб, у тўққиз йўналишни ўз ичига олади. Қорасув шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи босқичда мазкур йўналишлар, яъни савдо-маиший, чиқич ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ободончилик, спорт-соғломлаштириш каби турли соҳалар бўйича қилинган ишлар кўриб чиқилди. Ҳақамлар ҳайъати авваламбор Қарияларни қадрлаш йилда амалга оширилган ишларга эътиборни қаратди. Шу кун «Нуроний» жамғармасига қарашли «Фахрийлар уйи» ҳамда Уч тегиримон маҳалласида жойлашган милиция таянч пунктнинг тантанали очилиш маросими ҳам ўтказилди. Фестивалнинг якуний қисмида барча соҳалар бўйича ғолибларга Қорасув шаҳар ҳокимлигининг махсус совғалари топширилди. Шунингдек, шаҳар маданият уйи ходимлари ихросидаги қўшиқ, рақс, ичақудди аскиялар қатнашичи ва меҳмонларга муносиб совға бўлди. «Туркистон-пресс».

МУСИҚА САНЪАТИДАН ДАРСЛИКЛАР

Мақтаб ўқувчиларида нафосат тарбиясини ўстиришда муסיқа таълими алоҳида ўрин тутаяди. Шу боис ўқув адабиётларини яратишга янгича ёндошиб, самарали бўлишига катта аҳамият берилди.

Бошланғич синфлар учун тайёрланган дарсликлар ўз мазмун-мундарижаси билан ажралиб туради. «Муסיқа алифбоси» деб номланган дарслик эса бир йўла беш тилда чоп этилди. Улар Марказий Осиё республикалари мактаблари ўқувчилари учун асосий ўқув адабиёти сифатида хизмат қилади.

Бундан ташқари, юқори синф ўқувчилари муסיқа таълими саводхонлигини оширишга йўналтирилган дарсликлар ҳам янги йили олдиндан босиб чиқарилди. Ушбу дарсликларда Марказий Осиё муסיқа маданияти тарихига доир маълумотларга кенг ўрин берилган.

Дарсликлардан амалий машғулотлар учун ўқувчилар дидига мос машқ намуналари ҳам ўз аксини топди.

«БЕҒУБОРЛИК» МАРКАЗИДА

Шаҳримизда «Беғуборлик» маркази иш бошлаганига бир йилдан ошди. Нотирон болалар саломатлиги ва қобилиятини тиклаш билан шуғулланаётган бу даргоҳ Тошкентдаги «Мурувват» интернати билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди.

Мазкур даргоҳ тарбияланувчилар қобилияти ва имкониятларини ўрганишда кузатув ва тажриба негизи вазифасини ўтамоқда. Мутахассисларнинг бу борадаги изланишлари тиббий-педагогик аҳамиятга эга бўлиб, дастлабки самараларини бермоқда. Марказ яна бир хайрли ишга қўл урди. Ташкил этилаётган янги болалар даргоҳи «Халқ мактаби» деб номланган бўлди. Бу ерда болаларда қобилият кўртакларини тараққий эттириш масалаларига алоҳида аҳамият берилди. Ноанъанавий усулда иш кўрадиган бу мактаб узлуқсиз таълимни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

А.А.АЛИЕВ.

- Иймон недур? — Тил била иқрор қилмоқдур ва динда устувор тутмоқдур. — Иймон уруғи недур? — Илмдур. — Иймон қамоли недур? — Сабрдур. — Иймон индижи недур? — Ихлосдур. — Иймон Ватани? — Диндур. — «Чор китобдан» олинган ушбу қайдларда иймоннинг зоҳири ботинига доир ёрқин фикрлар қамраб олинган. Аммо иймон сўзининг маъноси шунчалик кенги, гўё унда инсон деб аталмиш сирли тилсимотнинг ўзига хос қирралари мужассамлашгандек. Негаки, дунёдаги барча эзгу амаллар ва яхшиликлар, меҳр-саховат шу сўзда жо бўлган. Шунинг учун бўлса керакки, иймонсиз деган сўкиш - мусулмон оламида энг ёмон ҳақорат ҳисобланади. Нуронийларимиз дуога қўл очганда аввало Оллоҳдан ёшларга умр, қариларга иймон гавҳарини ҳамроҳ қил, деб илтижо қилишлари ҳам аслида шундан. Доноларимиз шунинг учун ҳам рост сўзни иймон нури, пок бўлмоқни иймон ҳаловати, ҳалолу ҳаромни билмоқни иймон шарияти деб билганлар.

Куръони Каримда «Ийманун» сўзининг илоҳий мўъжизалари 46 оятда баён этилган. Чунки иймон инсоннинг сурати ва сийратини безовчи, руҳини половчи, қувватлантирувчи муборақ туйғудир. Иймон сўзининг қайси тилда, қандай талқин этилишидан қатъи назар, у виждон поклиги, ахлоқ жавҳари, қалб гавҳари мақомида улугворлик рамзи бўлиб келгани рости. «Кимки иймонга кўфрни алмаштира, - дейилди, «Бақара» сурасининг 108 - оятида, - албатта, тўғри йўлдан адашади». Алишер Навоий асарларида аввало иймон, кейин ислонинг бадиий талқини берилиши замирида ҳам ана шу ҳақиқат ўз аксини топган.

ИЙМОН - ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Иймон фақат солиҳ амаллари билангина эмас, маънавий олами, иймоний поклиги тўфайли ҳам ўз охиратининг ободонлигини таъминлайди. Шу маънода «Моид» сураси бешинчи ояти каримасида қуйидаги жумлалар фикримиз исботидир: «Кимки иймондан қайтса, унинг қилган амали беҳуда кетиши аниқдир ва охиратда зиён кўрувчилар тоифасидандир». Иймон - улкан ва қўламдор тушунча. Уни ўрганган, унга муносабат билдирган ҳар бир зукко олим ва шоир ўз таснифини тақдим этган. Имом ибн Исмоил Бухорий ҳазратларининг «Ал-жомий ас-саҳиҳ» китобида ҳам иймоннинг шартлари ҳақида мушоҳада юритилиб, шундай дейилади: «Ий-

моннинг муқаммал бўлмоғининг уч шarti бор: — Тўғри эътиқодли бўлмоқ; — Кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ; — Киши ўз устиди ишлагоғи ва ўзини ибодат ва итоатга чиниктирмоғи керак. Кимки буларни тўла ўзлаштира, иймони муқаммал бўлғайдир». Расулulloх саллоллоху алайҳи васаллам эса бундай деганлар: «Иймон дарахт янглиғ олтишдан ортиқ шохга эгадир. Гуноҳ қилмоққа Оллох

ва бандалардан уялмоқ ўша шохлардан биттасидир». Иймонинг чағал уриб қилди ганик, Пири муғон ҳозир бўл деб сочди тарёк, Шайтон лаъин мандак қочиб кетди бобок, Биҳамдуллох, нури иймон элдим мано. Шайх Аҳмад Ясавийнинг бу ҳикматида иймон кўп қиррали атама мақомида намойн бўлади. Унда илоҳий-тасаввуфий ғоялар қоришиқ қўлланган. Бобораҳим Машраб эса дин ичиде туриб динсизлик йўлини тутганларни иймонсизлар деб атайди: Кўфру иймонни билломаслар, қаромат айлабон, Тоату тақво билан соҳибриларни кўринг.

Маънавият

Ҳаётдаги энг хавфли душман ичингдаги ганимдир. Чунки у ҳамма сиру асрдордан хабардор, барча нозик нуқталарининг билди. Асрлар давомида Ислонми эмиржан сидқий эътиқоддан хурфотни банд қўйиб, ҳаётбахш ислом қадриятларига футур етказган куч ҳам ана ўша «соҳибриёлар»дир. Фалсафаси бўш нафс бандалари бугун ҳам, кўп таассуфки, динсизлик иддаоси билан эмас, динни ғараз манфаатлар фойдасига қалқонга айлантириб «бош» кўтармоқдалар. Ваҳобийлик никоби остидаги сохта сабъ-ҳаракатларининг на жамятга ва на ҳолис ниятли, иймонли инсонларга нафи тегади. Бундай кимсалар иймон нурига соя солган шарпалардир. Юртбошимиз эътироф этганларидек, «юксак маънавият даражаси масжидлар билан эмас, балки қавмининг иймон ва эътиқоди бутунлиги, мустақиллиги билан ўлчанади». Алқисса, дунёда эзгулик, меҳр-саховат бор экан, қалбларнинг бебаҳо гавҳари мисол иймон ҳам унинг тегра-сида яшайверади. У ҳаммиса одамларни оғоҳликка, ўзликни асраб-авайлашга ва нури истиқболга чорлайверади. Раҳим ВОХИДОВ, Мэлес МАХМУДОВ, профессорлар.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Екубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширди - 21.45

Махсус: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотува эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.